



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING MUASSIS (TA'SISCHI) QARORI

20²² yil “25” февраль

№ 16/10-қр

Toshkent sh.

“Навоийуран” давлат корхонасининг ички низомларини тасдиқлаш түғрисида

Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 28 декабрдаги 130/08-қр-сон қарори билан тасдиқланган “Навоийуран” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда – Корхона) уставига ҳамда Корхона кузатув кенгашининг 2022 йил 9 февралдаги 1-сон йиғилиш баённомасига асосан қарор қилинди:

1. Корхонанинг кузатув кенгаши йиғилишининг 2022 йил 9 февралдаги 1-сонли баённомаси билан:

Корхона бosh директори ва муассис ўртасида имзоланадиган меҳнат шартномаси лойиҳаси маъқулланганлиги;

Корхонанинг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш түғрисидаги низоми лойиҳаси маъқулланганлиги;

Корхонанинг кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш түғрисидаги низоми лойиҳаси маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Корхонанинг:

Ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш түғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш түғрисидаги низоми 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташиблий ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ражабов) ушбу қарорнинг нусхаларини Агентлик марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари ва Корхонага етказилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор ижросининг назорати директор ўринбосари А. Миралиев зиммасига юклансин.

Директор

A. Ortikov

*“Давлат активларини бошқарии
агентлигининг 2022 йил “25” февралдаги
16/10кпс сон муассис қарорига
1-илова*

“НАВОИЙУРАН” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
ХОМИЙЛИК ВА БЕГАРАЗ ЁРДАМ КҮРСАТИШ ТҮФРИСИДА
НИЗОМ

Навоий – 2022 йил.

I. Умумий қоидалар

1.1. “Навоийуран” давлат корхонасининг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда – Низом) “Навоийуран” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда – Корхона) юридик ва жисмоний шахсларга ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларини тартибга солади ва принципларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Хомийлик тўғрисида”ги Конунига, Корхонанинг Устави талабларига ва амалдаги қонунчиликка асосан ишлаб чиқилган.

1.3. Мазкур низом Корхона Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ва Корхона Муассиси томонидан тасдиқланади, унга барча ўзгартириш ва қўшимчалар Муассис қарори билан амалга оширилади.

II. Корхонанинг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш фаолиятини режалаштириш

2.1. Корхонанинг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатишни молиялаштириш манбаи унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинган маблағлардир.

2.2. Корхонанинг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш микдори ҳар йили белгиланади ва Корхона Кузатув кенгаши томонидан кейинги календар йили учун тасдиқланидиган бизнес-режасида акс эттирилади.

Бунда бир йил ичидаги кўрсатилган ҳомийлик ва бегараз ёрдамнинг умумий микдори Корхонанинг ўтган хисобот йилидаги натижалари бўйича олинган соф фойдасининг 10 фоиздан ошиб кетишга йўл қўйилмайди.

III. Ҳомийлик ва бегараз ёрдами кўрсатиш тартиби

3.1. Корхона мурожаат этувчиларнинг мурожаатлари асосида ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатади.

3.2. Ҳомийлик ва бегараз ёрдам тўғрисида ариза билан мурожаатларни Корхона юридик ва жисмоний шахслардан почта, электрон алоқа воситалари ёки аризани шахсий топшириш орқали қабул қиласи.

3.3. Келиб тушган аризалар Корхона ижро этувчи органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

3.4. Рўйхатга олинганидан сўнг, олинган аризалар ижро этувчи органи раҳбари ёки тегишлилиги бўйича Корхона бошқарув органига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

3.5. Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатни (аризани) кўриб чиқиш Корхонага келиб тушган кундан бошлаб 15 (үн беш) календар кун ичида амалга оширилади. Кўшимча ўрганиш, текшириш, шунингдек қўшимча ҳужжатларни сўраш зарур бўлган тақдирда, аризани кўриб чиқиш муддати 1 (бир) ойгача узайтирилиши мумкин.

3.6. “Навоийуран” ДК маблағларининг ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тариқасида ажратилиши масалалари Кузатув кенгашининг тегишли қарорига асосан ҳал этилади.

3.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ёки бошқа юқори ташкилотларнинг қарорлари, ҳукумат қарорлари ёки бошқа кўрсатмалари, уларга мувофиқ Корхона муайян ҳомийлик ёрдамини кўрсатиши шарт.

3.8. Мазкур Низомнинг 3.7 бандида белгиланган ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш учун маблағлар етарли бўлмагандан ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш учун белгиланган лимитдан ошиб кетган тақдирда ёки бошқа ҳолларда, Корхона Бош директори талаб этиладиган маблағларни ажратиш тўғрисида Кузатув кенгашига таклиф киритади.

3.9. Ногиронлар, жамоат фондлари ва хайрия жамғармалари, кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятлари, бокувчисини йўқотганлар ва моддий ёрдамга муҳтож фуқаролар, маҳаллий ҳокимият ва ижтимоий ташкилотларга, Корхона ишчиларига ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Корхона бош директори номига келиб тушган мурожаатлар бўйича Корхона бош директори Кузатув кенгашининг қарорисиз йилига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 1000 (бир минг) бараваригача микдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳукуқига эга.

IV. Якунловчи қоидалар

4.1 Мазкур низом корхона Муассиси қарори билан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

4.2 Ушбу Низомда кўзда тутилган қоидалар амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.

“Давлат активларини бошқарши
агентлигининг 2022 йил “25” февралаги
16/10 күнсон муассис қарорига

2-илова

“НАВОИЙУРАН” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ ВА (ЁКИ) ЎЗ
ФУНКЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ТҮГРИСИДА
НИЗОМ

Навоий – 2022 йил.

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу “Навоийуран” Давлат корхонаси Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Навоийуран” давлат корхонасининг (кейинги ўринларда – корхона) Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомига ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, корхона Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур низом корхона Кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ва корхона муассиси томонидан тасдиқланади, унга барча ўзгартириш ва қўшимчалар муассис қарори билан амалга оширилади.

1.3. Мазкур Низом Кузатув кенгашининг барча аъзоларига нисбатан қўлланилади. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига ҳақ тўлашнинг мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқа тартибидан фойдаланишга йўл қўйилади.

1.4. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ тўғрисидаги ахборот қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилиши лозим.

II. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш мезонлари

2.1. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш мезонлари қўйидагилардан иборат:

2.1.1. Кузатув кенгаши аъзоси функцияларини ўз вақтида бажариш;

2.1.2. Муассиснинг кўрсатмалари ва фармойишларини ўз вақтида ва тўғри бажариш;

2.1.3. Корхона устави ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомда белгиланган мажбуриятларни тўлиқ ва сифатли бажариш.

2.2. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш миқдорлари улар корхона фаолиятининг тегишли соҳасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини инобатга олган ҳолда белгиланади.

III. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш миқдори ва тартиби

3.1. Корхона кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ умумий суммаси, ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 17 (*ўн етти*) баравари ҳисобланади. Хорижлик кузатув кенгаши мустақил аъзоларига Муассис билан тузилган шартномага мувофиқ белгиланади.

3.2. Мукофот миқдори корхонанинг молиявий ҳолатига, самарадорлик кўрсаткичларига, шунингдек, корхона олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ҳал қилинишига қараб, Муассиснинг қарори билан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

3.3. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган маблағлар уларнинг шахсий ҳисобварақларига ёки хизмат кўрсатишда очилган пластик карталарига ўтказиш йўли билан тўланади.

3.4. Кузатув кенгаши аъзоларига ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлари қопланади. Бундай харажатларга транспорт харажатлари, яшаш учун (турап жойни ижараси бўйича) харажатлари, музокаралар учун тадбирларни ташкил этиш, таржимон хизматлари учун ҳақ тўлаш ва вакиллик харажатлари киради.

3.5. Ушбу Низомнинг 3.4. бандида кўрсатилган харажатларни қоплаш тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, корхонанинг давр харажатларни ҳисобидан амалга оширилади.

3.6. Кузатув кенгаши аъзоси (аъзолари) мазкур Низомда назарда тутилган тўланадиган ҳақни, тўлиқ ёки қисман олишни рад этишга ҳақли. Бунда, Кузатув Кенгаши аъзоси бу ҳақда Кузатув кенгаши раиси ёки Корхона бош директорига ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

3.7. Корхона Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиқقا тортилади.

IV. Якунловчи қоидалар

4.1 Мазкур низом корхона Муассиси қарори билан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

4.2 Ушбу Низомда кўзда тутилган қоидалар амалдаги қонунлар билан тартибга солинади.